

Тавба ҳар бир мўминнинг вазифасидир



11:30 / 30.06.2022 2194

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Таҳрим сурасининг 8-оятида шундай дейди: «Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳга холис тавба қилинглар!»

Тавба саодатга эришиш йўлларида биридир. Аллоҳ таоло Нур сурасининг 31-оятида шундай деб марҳамат қилади: **«Аллоҳга барчангиз тавба қилинг, эй мўминлар! Шоядки, нажот топсангизлар».**

Саодат бу - инсоннинг интилган нарсасиги етишиши ва қочган нарсасидан омонда бўлишидир.

Самимий тавба сабабли Аллоҳ таоло гуноҳларимиз қандай ва қанча бўлишидан қатъи назар уларни кечиради.

Аллоҳ таоло Зумар сурасининг 53-оятида шундай деб марҳамат қилади: **«Эй, ўз жонларига жабр қилган бандаларим, Аллоҳнинг раҳматидан**

ноумид бўлманг! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират этар. Албатта, Унинг Ўзи ўта мағфиратли ва ўта раҳмли Зотдир».

Эй, гуноҳларга ботиб кетган биродарим, Роббингизнинг раҳматидан ноумид бўлманг, чунки тавба эшиклари қуёш ғарбдан чиқадиган кунгача очиқдир. Расулulloҳ соллаллоҳу алай васаллам шундай дедилар:

«Аллоҳ азза ва жалла кундузи ёмонлик қилган одам тавба қилиши учун кечаси қўлини очади. У Зот кечаси ёмонлик қилган одам тавба қилиши учун кундузи қўлини очади, токи қуёш ботган жойидан чиққунига қадар шундай бўлади».

Имом Муслим ривояти.

Қанчадан қанча инсонлар катта гуноҳлари учун тавба қилишмадики, Аллоҳ уларнинг тавбаларини қабул қилмаган бўлса?

Аллоҳ таоло Фурқон сурасининг 70-оятда шундай деб марҳамат қилади:
«Магар ким тавба қилса, иймон келтириб, солиҳ амал қилса, бас, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонликларини яхшиликларга алмаштирур. Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли бўлган Зотдир».

Хақиқий тавбанинг шартлари:

1. Аллоҳ таолога холислик: Тавбани банда фақат Аллоҳ розилиги учун, Унинг ажридан умид қилиб ва жазосидан омонда бўлиш учун қилган бўлиши керак.
2. Қилган гуноҳи учун афсусланиши, надомат чекиши керак ва бу гуноҳга бошқа ҳеч қачон қайтмасликка азму қарор қилиши керак.
3. Агар гуноҳ Аллоҳга нисбатан қилинган бўлса, дарҳол ўша гуноҳларни тўхтатиши керак. Аллоҳ ман қилган амални қилган бўлса, ундан воз кечиши ва Аллоҳ амр қилган амалларга итоатсизлик қилган бўлса, унга бўйсунуши керак. Агар гуноҳлари бандаларга нисбатан қилинган бўлса, ўша одамга ҳаққини қайтариши ва кечирим сўраб, розилигини олиш керак.
4. Қатъият: Тавба қилган гуноҳ амалини келажақда яна такрор қайтармаслик.

5. Тавба қабул қилинмайдиган кундан аввал тавба қилиш: Ўлим тўшагида бўлиш ёки қуёш ғарбдан чиқадиган кун келишидан аввал тавба қилиш лозим.

«Ёмонликларни қилиб юриб, бирларига ўлим етганида, энди тавба қилдим, деганларга ва кофир ҳолларида ўлганларга тавба йўқ».
(Нисо сураси, 18- оят).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким қуёш мағрибдан чиқишидан олдин тавба қилиб олса, Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилади», дедилар.

Имом Муслим ривояти.

Аллоҳим, бизга холис тавба қилишни насиб этгин ва тавбамизни қабул қилгин, Ўзинг Таввобсан ва Роҳимсан!

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф